
Риштон туманида пахтадан мўл ҳосил етиштирилди

Бугунги кунда Риштон туманида пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Тумандаги фермер хўжаликлари ходимлари йил бўйи қилинган самарали меҳнатлари туфайли бугун уларнинг юзлари ёруғ. Мўлжалдагидан анча кўп ҳосил тўплашга муваффақ бўлинди. Пахтачиликда биринчи навбатда ерга ишлов бериш маданияти ўзлаштирилиб, ҳар бир гектар ердан унумли фойдаланилса, агротехник қоидаларга риоя қилиниб, вақти билан озуқа ва суви берилса, она-замин сиздан саховатини ҳеч қачон аямайди. Бугун тумандаги қайси фермер хўжалигига борманг, мўл ҳосилдан дарак берувчи пахтазорларга гувоҳ бўласиз.

2021-09-18 06:19:32